

Ёт ғояларга қарши тарғибот ишларини ташкил этишда диний таълимот ва маънавиятнинг ўрни

Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-3528-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ижроси юзасидан

2018 йил 12 апрель куни 12:30 да ТИҚҲММИ В-бино “8-маъруза” залида “Қишлоқ ва сув хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” факультети талабаларига (150 нафар) Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Минор жомеъ масжиди ноиб имоми Кабилов Муроджон Шавкатович “Талаба-ёшлар ўртасида ёт ғояларга қарши тарғибот ишларини ташкил этишда диний таълимот ва маънавиятнинг ўрни” мавзусида маъруза қилди. Маъруза давомида, Исломдаги Фирқалар тўғрисида тўхталиб, қадимда фирмалар фаолияти уларнинг моҳияти тўғрисида ҳамда бугунги кундаги фирмаланиш хусусида маълумотлар бериб, уларнинг моҳиятини таҳлил қилиб, бугунги кунда “ИШИД” ва бошқа фирмаларнинг салбий фаолияти, Исломга зид фаолияти тўғрисида таҳлилий маълумотлар талабаларга етказилди.

Имом хатиб томонидан талабаларга бугунги кунда талаба-ёшларни юртга садоқат, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бугуннинг бош мезони бўлиб, шу билан бир қаторда ёшларимизнинг таҳсил олишлари учун яратилган имкониятлар ҳавас қиласида даражада эканлиги ҳамда шу имкониятлардан ёшларимиз оқилона фойдаланишлари давр талаби эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталиктининг қадрига этиш уни асрар авайлашга чақирди ҳамда бугунги техника технологияларнинг тараққий этиб бораётгани интернетдан фойдаланиш маданиятини ўрганиш, ҳар хил комъютер ўйинлари, ижтимоий норасмий сайtlарда тарғиб қилинаётган ёт ғоялар уларнинг инсон ва ёшлар онгига салбий таъсиrlари бундай ҳолатларда ҳушёр ва огоҳ бўлишга чақирди ва бундай норасмий сайtlар ва тармоқларга алданмасликка даъват этди. Муқаддас динимизни асрар унинг поклигини сақлаш, уни ҳимоя қилиш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчи эканлиги бу борада диний билимнинг саёзлиги оқибатида кўплаб ёшларнинг диний оқимлар ва ташкилотлар таъсирига тушиб қолаётганлиги, натижада ўз ватанига ва халқига қарши чиқаётганлиги жуда ачинарли ҳолатлигини ҳаётий мисоллар билан таҳлил қилиб берилди.

Шунингдек, бугунги кунда диний экстремистик ташкилотларнинг ғайри инсоний, ғайри диний мақсадлари ва фаолияти илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, талабаларга етказилди. Ёвузликни ва жаҳолатни олдини олишда илм-маърифатнинг ўрни шунингдек, диний маърифатнинг ўрни ва аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Маъруза қизғин баҳс ва савол-жавоблар асосида ўтди.

